

EFFECT OF PHYSICAL EDUCATION ON EXTRACURRICULAR ACTIVITIES OF CHILDREN AND ADOLESCENTS

The A.Abdullaev,

Associate Professor,

B.Asadullaev,

A.Jalalov

Masters of Fergana State University

Annotation :

In the article the analysis of special literature on the influence of exercise on the functional state of the organism and the content of special theoretical knowledge and practical skills on the problem of the lifestyle of readers of our country are included in the system. It is designed for future Bachelors, Masters in the field, teachers of the school jimonian education and sports coaches.

KEYWORDS:

Function of the organism; mental state; physical Tatu, physical development, physical preparation, somatic state of the organism; extracurricular activities; training sessions; training sessions; cardiovascular, system; respiratory system; metabolism; endocrine system; nervous system,; excitation and braking.

Болалар ва ўсмирлар организмининг ривожланиши, унинг жисмоний тайёргарлиги - бошқачасига айтганда жисмоний статуси, айниқса, органлар морфиологиясига мансуб билимлар(Ш.Х.Ханкельдиев, С.Р.Ураимов, 2020)ни назарий асосларини ўқитилиши таълим тизимининг барча ўкув муассаса ларининг давлат дастурларида мукаммал ўқитилиши шу куннинг талаби.¹

Жисмоний машқлар билан шуғулланиш машғулотлари ва уларда бериладиган назарий билимлар ва амлий малакалар инсон умрининг турли ёши даврида ўзининг хусусий томонлари билан ажralиб туради. Щунинг учун ҳам жисмоний машқларни организмига таъсирига мансуб билимлар Республикамиз умумий таълим мактабларида I - синфдан XI-синфгacha бўлган давр ичida жисмоний тарбия фани машғулоти сифатида ўқитилиши долзарб. Мақоламизнинг асосий мақсади синфдан ташқари машғулотларни ўқувчи организининг функционал тайёргарлигига мансуб билимлари ва уларни умумий таълим мактабида ўқитишнинг назарий билимларини тизимга солдик. Бу масала Республикамиз миқёсида ҳозирги кунгача мамлакатимизнинг худудий шароитини ҳисобга олиб ўрганилмаганлигини соҳага оид маҳсус адабиётлар ва илмий тадқиқот материаллари орқали ўргандик (М.Исмоилов. 1979, Н.М.Красногорский, 1981 ва бошқалар).²

Ҳозирги кунда ёш авлоднинг саломатлигини, жисмоний ривожланишини ва жисмоний тайёргарлигини лозим бўлган даражада ушлаш ва умрининг белгиланган даври давомида вжууди аъзолари ва тузилмаларини жисмоний машқлар орқали эришилган даражасини пасайтирамай сақлаш(ушлаш) ва уларга мансуб билимлар заҳирасини бойитиш, уларни такомиллаштириш мамлакатимиз Президенти ва хукуматимизнинг давлат буюртмаси эканлиги давлат сиёсатига кўтарилиган “Соғлом турмуш тарзи жисмоний маданиятининг” организмни функционал ҳолатига оид билимлари тизимини ташкил этади³.

Болалик ва ўсмирлик даври органлар ва тузилмаларда мураккаб ўзгаришлар рўй бериш даври эканлиги, биринчи навбатда қайд қилинган ривожланиш ва ўсишнинг ўта кескинлиги даврида нерв,

¹ Ханкельдиев Ш.Х., Ураимов С.Р. Физический статус допризывной молодёжи: Монография-Ташкент, "Навруз" 116 стр.

² Ханкельдиев Ш.Х. «Физическая статус учащейся молодёжи». Монография. Ташкент – 2018. 412 с.

³ Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича қўшимча вазифалар. Ш.Мирзиёев раислигида сентябрь ойининг 4 куни жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ҳалқаро мусобақаларга тайёргарликни кучайтириш масалаларига бағишлиланган видео селектор йигилишидаги нутқидан. Ҳалқ сўзи, 2019 й. 5 сентябрь, №184 ,1 сах.

эндокрин, юрак томир ва бошқа органларнинг зўр бериб ишлаши организм функционал ҳолатининг асосий талаблари бўлиб, бу давр ўқувчини ҳаракат фаоллигини энг юқори даврига тўғри келади.

Жисмоний тарбия дарслари. жисмоний машқлар билан шуғулланиш машғулотларининг бошқа шакллари ,жумладан, мактабда синфдан ташқари жисмоний тарбия машғулотлари хамда мактабдан ташқари ўқув машғулотлари, тренировка машғулотлари,тўғараклар, спорт секциялари, умумий жисмоний тайёргарлик машғулотлари, бўш вақтларида мустақил шуғулланадиган мактабнинг факультатив машғулотлари болалар ва ўсмирларда катта энергия сарфлашни ва психик зўриқишини юзага келгиради. Организмга берилган жисмоний юкламанинг катталиги уни салга озор топадиган, кўнгли нозикликка мойллик, кўзғалиш, тормозланишга нисбатан қўзғалувчанлик жараёнининг юқорилиги, серҳарактлилиги, бекарорлиги, жizzакилиги ва танасининг бир оз терлаб туриши билан бошқалардан ажралиб туради.

Машхур физиолог Н.М.Красногорский(1981), болалар ва ўсмирларда нерв тизимининг 4 та типини тафовутлайди:

- а) оптимал-қўзғалувчан, босик-тез;
- б) оптимал қўзғалувчан, босик, бироқ суст;
- в) кучли, жуда қўзғалувчан, тўхтатиб бўлмайдиган, бекарор;
- г) суст, кучсиз қўзғалувчанлар деб организмнинг руҳий функционал тизимнинг гурухлайди.⁴

Жисмоний машқлар билан шуғулланиш машғулотларида бажарилган ҳаракатлар(жисмоний машқлар), кайд қилинган руҳий типдагиларда ўзига хосликга эътибор бериш талабини қўяди.

Махсус адабиётлар тахлили⁵ болалик ва ўсмирлик ёшида ички секреция безлари (эндокрин) ишида бир мунча ўзгаришлар рўй беради.

Гипофиз ва жинсий безлар фаоллашади, буқоқ ва қалқонсимон безлар ҳаракати тўхтайди.

Иккиламчи жинсий белгилар пайдо бўла бошлайди. Жинсий гармонлар организмда. мускулларда ва бошқа ички секреция безларида моддалар алмашинувини кучайтиради. Қизларда ҳайз цикли бошланиши (12 ёшу 7 ойдан то 14 ёшгача) балоғат белгисилиги асосланган.

Бу даврда юрак тез ўса бошлайди ва 14 ёшга келиб.унинг ҳажми 6 ҳисса катталашади, 18 ёшга борганда эса 12 ҳисса катталашади. Болалиқда юрак ҳажмининг гавда ҳажмига нисбати 1:50, катталарда-1:60, ўсмирда эса жинсий балоғатга етиш даврида-1:90 ни ташкил қиласди.

Жисмоний машқлар таъсирида ўсмирларда юрак ва қон томирлар ҳажми уларнинг бўйи (гавда узунлиги), вазни ва кўкрак қафаси айланасига

анча бир текис ва параллель равишда катталашади аммо жуда зўриқиб жисмоний ҳаракат қилиш юрак ҳажмининг кескин ва тез катталashiшига олиб боради (гипертрофия содир бўлади).

Ўсмирлик даврида юрак зарблари тезлиги (пульс - ЮҚЧ) камаяди, минутига 70-75 зарб. Болаларда томир частотаси қизлардагига қараганда сийрак бўлади. Артериал босим 100-125 , веноз 60-80 симоб устуни хисобида бўлади.

Ўсмирлик ёшвда *нафас аппарати* тез ривожланади:кўкрак қафаси кенгаяди нафас чукурлашади.ўпкани ҳаётий сифими ўғил болаларда 13 ёшдан 18 ёшгача у 2600 дан то 4900 мл гача , қизларда 2471 дан то 3500 мл гача ортади. *Нафас тезлиги* катталарникига қараганда тез-20 мартағача бўлади.Жисмоний машқ ва жисмоний меҳнат билан шуғулланиш ўпка вентиляциясини оширади.

Суяқ-мускул системаси зўр бериб ривожланади. 14 ёшга борганда кескин ўсади, 12-17 ёшда эса жадаллашади.13-15 ёшда ўртacha ўсиш 7-8 см ни ташкил қиласди. Қизларнинг ўсиши 2 йил эрта бошланади ва бир йилда 6 см гача ўсади.

Мускул вазни ортади, ўсмирларда 15-16 ёшда гавда вазкининг33 % ини ,18 ёшда эса 44% ни ташкил қиласди

Мускул массаси ортиши билан қўл-оёқ мускулларининг зўриқиши кучаяди. 14-15 ёшда панка мускули кучи, 16-18 ёшда эса тизза бўғини мускулини кучи ортади.Оғир юклама ўсмирда оёқ кафти гумбазини ясси қилиб қўйиши ва ясси оёқликка олиб бориши мумкин.

⁴ Абдуллаев А. Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси. 1-жилд. 2 тўлд. наш., Тошкент/ «НАВРУЗ”2017, 400 с.

⁵

Ўсмекрлик даврида массанинг ўртача йиллик қўшилиши 3-5 кг ни ташкил этади. Кўз ўткирлиги 14-15 ёшда 0,9 дан 1,2 диоптрияга ошади.

Болалик ва ўсмиликнинг анатомик-физиологик хусусиятлари организмни морфологик -физиологик қайта қурилишининг фаол кечиши билан ажralиб туради ва соҳага оид назарий билимлар барча учун заруриятдир.

Мамлакатимиз ахолисининг жисмининг бичими унинг жисмоний ривожланганлиги ва жисмоний тайёргарлигининг кўрсаткичлари орқали баҳоланади. Жисмимиз бичимига қараб унинг касб, меҳнат фаолияти танланади.

Спорт фаолиятида, соғлом турмуш тарзи жисмоний маданияти машғулотларининг воситалари танланади, ўқув муассаларида эса жисмоний маданият таълим мининг мавзулари мувофиқлаштирилади. Инсоният тарихида жаҳон аҳли ичида Қадимги юононлар “идеал тана бичими” ҳақида бош қотирганлар. деган тушунча ўзининг асосига эга(Е.Я Бондаревский, Ш.Х. Хонкельдиев 1986; А.Абдуллаев (2017) ва бошқалар;)⁶.

Қадди коматнинг рассолиги, ташки кўриниши даражасини белгилайдиган ҳалқимиз жисмоний маданиятини эътиборга лойиқ кўрсаткичлари ҳисобланади. Жисмоний бичими жисмоний тайёргарлик. назоратининг тизимини ишлаш жисмоний тарбия назарияси ва методикасида ҳозирги кунгача ечими топилиши лозим бўлган муаммолар сирасига киради.

Муаммо ҳақдаги фундаментал тадқиқотлар ўз фурсатини кутмоқда. Чунки, қатор спорт машқларинн бажариш орқали эришилиши керак бўлган функционал натижани мувофиқ-номувофиқлиги, яхши-ёмонлигини аниқлашда болалар, ўсмилар танасининг бичими (бўйи-басти, жуссаси, тана ўлчамларининг мутаносиблиги), эришилган ёки эришиладиган натижаларга турлича таъсир кўрсатиши жисмоний тарбия ва спорт амалиётидан маълум (Кречмер, Шилдон, Бунак , Галанд ва бошқалар)

Масалан, бола жисмининг бичими унинг куч харакат сифати натижасига бевосита таъсир қилиши сир эмас. Шунинг учун бокс, штанга кўғариш ва бошқа якка курашларнинг мусобақаларида тана вазни эътиборга олинади.

Агарда бола жисмийнинг морфологик бичимидаги фарқлар эътиборга олинмаса жисмоний тайёргарликнинг баҳолашда катта ноаниқларига йўл қўйилиши исботланган.

Жисмоний тайёргарликнинг даражасини аниқлашда жисм бичимини салбий рол ўйнашининг, аспектларига оид тадқиқот (Э.Г.Мартиросов, 1968; Г.С.Туманян, 1971; Е.Я.Бондаревский, Ш.Х.Хонкельдиев, 1986) лар мавжуд, олиб борилган,лекин, уларнинг тадқиқот обьектлари собиқ Иттифоқнинг марказий регионлари болаларида ўтказилганилиги сабабли қайд қилинган изланишларнинг натижаларидан мамалакагимиз регионларидаги болалари учун қисман қўллаш мумкинлигини эътиборга олсак муаммонинг долзарблиги ортади.

Биз ўз тадқиқотларимизда жисмонин тайёргарликнинг кўрсаткичлари натижасига тананинг бўйи-басти, бичими аҳамияти таъсирини йўққа чиқарадиган турли имкониятлар мавжудлигини аниқладик. Масалан, шундай назорат машқларини танладиккн, уларни бажариш билан натижада жуссани таъсири аҳамияти айтарли даражада йўққа чиқади ёки турлича гавда бичимидағилар учун маҳсус баҳолар индекслари, шкалаларидан фойдаланиш орқали жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларини баҳолашда нисбатан аниқлигиги эришдик.

Муаммо бўйича дастлабки тадқиқотларнинг тарихи ўтган асрнинг 20 йилларига бориб тақалади. Изланиш эса ҳозиргача давом этмоқда. Охиргиси В.П. Губа томонидан 1982 йиллари ўтказилган. Организмнинг индивидуал ривожланиши (онтогенези)да бола имкониятининг яхшиланиши организмда ҳаракатни бошқаришнинг марказий нерв механизмлари такомиллашиши, нерв ҳаракати аппаратининг етилиши давридан деб қаралса, айрим тадқиқотларда тананинг ўсиши унинг бичимини индивидуал ривожланиш орқалигна жисм катталashiши содир бўлади деб ҳисобламоқдалар.

Масалан, баландликка сакрашда боланинг натижаси ҳаракат координацияси яхшилайиши, мускулларнинг қисқара олиш хусусиятлари, шунингдек, тананинг узунлиги ортиши ҳисобига содир бўлишшлиги ҳозирги кунда амалий ва назарий исботланган.

Иқтидорли споргчи болани танлашда ҳам унинг жисмоний ривожлан- ганлиги ва тайёргарлиги хусусиятлари орасидаги боғлиқлик калит вазифасини ўташи мумкин. Бу муаммони, айниқса, болалар жисмоний тайёргарлигини баҳолаш нормаларининг тизимини яратишдаги, жис-моний тарбия жараёнини индивидуаллаштиришда, индивиднинг жисмоний тайёргарлиги тести талаблари ва нормаларини(2020) янада такомиллаштиришдаги аҳамиятини ҳисобга олиш лозим.

Чунки, қатор жисмоний машқларнинг натижаси гавданинг умумий жуссаси билан боғлиқ. Масалан, улоқтиришларда вазни оғир болалар устунликка эга бўладилар Баоандликга сакрашда нисбатан бўйи новча (баланд) болалар устунликка эга бўладиляр.

Натижаси «нисбий куч» билан аниқланадиган жисмоний машқлардл, млсмлан, турникда тортилишда жуссаси кичик болалар жусси катталарга нисбатан устун натижа қўрсатиши Зациорский (1979) Е.Я.Бондревский, Ш.Х.Хонкелдиевлар тадқиқотларида исботланган..

Жисмоний тарбия назарияси ва амалиётида жисмоний тайёргарликни тестлаш бўйича олинадиган якуний натижаларни баҳолашдаги бундай нохушликларни йўқотиш учун иккита усуслдан фойдаланилади.

Биринчи усууда тестлаш шундай ҳаракат вазифаларидан тузиладики, якуний натижалар баҳосига тана тузилишининг морфологияси таъсир қўрсатмайди. Лекин, буни амалга ошириш анчагина кийинчиликларни юзага келтиради. Сабаби шундаки, қайд қилинган машқлар айтарли кам, борлари ҳам барча учун таниш жисмоний машқлар бўлиб, уларни чиқариб юборишга тўғри келади (масалан, улоқтириш, баландликка сакрашлар).

Шунингдек ўз танасининг массаси қаршилигини енгиш билан бажариладиган машқлар ҳам. Жисмоний ривожланганликнинг айрим белгиларини 60 м.га югуриш, узунликка сакраш, тенис тўпини улоқтириш натижаларининг таъсирини ўрганиш максадида Марғилон шахрининг 29 умумтаълим мактабини 80 га яқин 9- 18 ёшдаги фақат жисмоний тарбия дастуридаги жисмоний машқлар билан шуғуллаиган (2020 й) болалар билан ўтказилган тадқиқотларимизда жинсий ривожланиш бошланмаган ёшгача бўлган болаларнинг жуссаси қўрсаткич натижаларга айтарли таъсир қўрсатмаслигини, жинсий ривожланиш бошланган даврдан бошлаб эса жисмоний тайёргарлик қўрсаткичларига кескин таъсир қўрсатишини аниқладик. Нисбатан каттароқ ёшга бориб эса натижага таъсир анчага пасайишини кузатдик.

Тананинг тотал (умумий) жуссаси куч, тезлик ва улоқтириш, ҳаракат координацияси ва куч машқларнинг натижасига 10 дан 13 ёшгача бўлган қизларда, ўғил болаларга нисбатан кескин таъсир қўрсатишини кузатдик.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда муаммонинг бу йўналиши бўйича фундамектал тадқиқотлар ўз фурсатини кутмоқда.

Хулоса қилиб шуни такидлашимиз жойизки, жисмоний машқлар билан шуғулланиш машғулотларини орагнизмнинг алоҳида бўлаклари , аъзолари ва тузилмаларига ва бошқ функцияларига таъсирига мансуб билимларни ўқувчиларнинг мактабдаги ўқув машғулотларидағина эмас, жисмоний тарбиядан синфдан ташқари машғулотларнинг ўндан ортиқ жисмоний машқлар билан шуғулланиш машғулотларининг турли шаклларини таъсири тўлиқ ўрганилмаган, ўзининг ечимиға муҳтоҷ.

Адабиётлар

1. Джалолов, Ш. В. (2019). Анализ соматометрических показателей детей младшего школьного возраста. Наука сегодня: проблемы и перспективы развития [Текст]: ма, 87.
2. Убайдуллаев, Р. М. (2020). Сопоставительный мониторинг показателей физической подготовленности девушек сельских школ с нормативами тестов здоровья “Барчиной”. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 37-40).
3. Усманов, З. Н., & Убайдуллаев, Р. М. ПРОБЛЕМЫ ФИЗКУЛЬТУРНО-ОЗДОРОВИТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ В СИСТЕМЕ ШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ.
4. Hamrakulov, R. (2021). THE IMPORTANCE OF THE ORGANIZATION OF PHYSICAL CULTURAL ACTIVITIES BASED ON ADVANCED PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS, 2(05), 114-119.

5. Yuldashev, M. (2021). INNOVATIVE ASPECTS FOR HEALTHY LIFESTYLE FORMATION AND DEVELOPMENT OF SPORTS. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS, 2(05), 102-107.
6. Хайдаралиев, Х. Х. (2019). МОТИВАЦИЯ ВЫБОРА ПРОФЕССИИ КАК ПРОЯВЛЕНИЕ ПАТРИОТИЗМА СОВРЕМЕННЫХ СТУДЕНТОВ. In EUROPEAN RESEARCH: INNOVATION IN SCIENCE, EDUCATION AND TECHNOLOGY (pp. 50-52).
7. Сидикова, Г. С. (2022). ФОРМИРОВАНИЕ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ У ДЕТЕЙ СТАРШЕГО ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА. Таълим ва Ривожланиш Таҳлили онлайн илмий журнали, 2(1), 6-11.
8. Patidinov Kamolidin. (2021). Physical Fitness and Development of School Students. Journal of Pedagogical Inventions and Practices, 2(2), 89–91. Retrieved from <https://zienjournals.com/index.php/jpip/article/view/330>
9. Yakubova, G. K. (2021). MONITORING OF PHYSICAL EDUCATION CLASSES IN CONDITIONS OF HYPERTHERMIA. Herald pedagogiki. Nauka i Praktyka, 1(2).
10. Хайдаралиев, Х. Х. (2019). МОТИВАЦИЯ ВЫБОРА ПРОФЕССИИ КАК ПРОЯВЛЕНИЕ ПАТРИОТИЗМА СОВРЕМЕННЫХ СТУДЕНТОВ. In EUROPEAN RESEARCH: INNOVATION IN SCIENCE, EDUCATION AND TECHNOLOGY (pp. 50-52).